

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВА НАСИБА БАХРИТДИНОВНА**

**ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ ЎЗБЕК ТИЛИ ФУНКЦИОНАЛ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА (ИЖТИМОЙ-  
ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Азизова Насиба Бахритдиновна**

Давлат тили мақоми ўзбек тили функционал ривожланишининг  
омили сифатида (ижтимоий-фалсафий жиҳатлари) ..... 3

**Азизова Насиба Бахритдиновна**

Статус государственного языка как фактор функционального  
развития узбекского языка (социально-философские аспекты)..... 21

**Azizova Nasiba Bakhritdinovna**

The status of the state language as a factor in the functional development  
of the Uzbek language (socio-philosophical aspects) ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВА НАСИБА БАХРИТДИНОВНА**

**ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ ЎЗБЕК ТИЛИ ФУНКЦИОНАЛ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА (ИЖТИМОЙ-  
ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fal243 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иркаев Абдурахим Панжиевич**  
фалсафа фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Бахтиёр Раҳманович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Саидқосимов Акбар Исоҳонович**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.К.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD), фалсафа.ф.б.

**С.А.Чориев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда XX аср охирида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мустақил ривожланиш йўлига ўтган давлатлар учун тил сиёсати борасида, хусусан, давлат тилини танлашда жиддий муаммолар туғдирди. Масалага ёндашувда кўпроқ икки тенденция кузатилмоқда. Биринчиси – ўз миллий тилига давлат тили конституциявий-ҳуқуқий мақомини бериш. Иккинчиси – бир нечта тилларнинг давлат мақомини ҳуқуқий расмийлаштириш. Бугунги кунда моноэтник мамлакатлар йўқ. Кўпмиллатлилик ва кўпконфессиялик, миллий муносабатларни ва маданиятларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш зарурати каби сабаблар давлат тили тажрибаси ва амалиёти билан муаммоларни вужудга келтирди. ЮНЕСКО ҳужжатларида миллий тилларни ривожлантириш ва кўптилликни қўллаб-қувватлашга қаратилган меъёрлар белгиланган. Аммо улар мустақил давлатларда давлат тилини татбиқ этиш бўйича турли хил ёндашувлар, концепциялар ва улар билан боғлиқ зиддиятли тенденциялар юзага келмоқда. Шу муносабат билан давлат тилини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий, концептуал асосларини бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида кўп йиллардан буён миллий тилларнинг давлат тили мақомида ривожланиш масалалари фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, лингвистик ва бошқа аспектларда тадқиқ этилмоқда. Бундай тадқиқотлар масала ечимининг самарали механизмларини топишга қаратилган. Лекин амалиётда давлат тили ва миллий тиллар ўртасидаги муносабатларни лисоний хилма-хиллик тамойилини сақлаган ҳолда, муайян давлатда бир ва ундан ортиқ тилларга давлат мақомини бериш тартибида ёки, аксинча, давлат тилини мажбурий сингдириш кузатилмоқда. Илмий изланишлар натижасида давлат тилини ҳаётга тадбиқ этиш ва функционал ривожлантириш бўйича концепциялар, дастурлар, услубий ёндашувлар шаклланмоқда. Шу сабабли мустақил давлатда уйғун тил сиёсати юритиш, давлат тилининг кенг миқёсда қўлланилишини таъминлаш, унинг миллий идентликни сақлаб қолишдаги ва миллатлараро барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан суверен давлат сифатидаги мустақил тараққиёт йўлини бошлаганлиги ижтимоий-тарихий воқелиқдир. “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан мамлакатда яшаётган бошқа миллатларининг тили ва миллий маданияти ривожига салбий таъсир қилмаган ҳолда, ўзбек тилининг функционал

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир // Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 22 октябрь, 218-сон.

ривожланишини ҳамда кенгайтиришнинг самарали йўллари излаб топишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифани бажариш учун ўзбек тилининг давлат тили мақомида функционал ривожланишининг ижтимоий-фалсафий омилларини тадқиқот объектига айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”да ПФ-6084-сон фармонлари ва 2019 йил 4 октябрдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганини ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон қарори ҳамда давлат тилига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тил халқларнинг ўзаро мулоқот воситаси бўлганлиги учун барча даврларда уни таъриф ва тавсифига алоҳида эътибор қаратилган. Қадимги юнон файласуфи Аристотель “Категориялар” рисоласида тил белгиларини (борлиқ, сифат, санок, муносабат, жой, вақт, ҳаракат, вазият ва ҳ.к.) тавсифлаган, уларни лингвистик, онтологик ва гносеологик жиҳатларини очиб берган<sup>1</sup>. Кўришиб турибдики, Аристотель объектив борлиқ ва онгнинг асосий тушунчалари тил орқали мужассам ифодаланишини ҳамда сўзларнинг (тилнинг) мазмунини ташкил этишини таъкидламоқда. Аммо бу тавсиф тартиби нимага асосланганлигига Аристотель изоҳ бермаган. Шарқ алломалари Абу Наср Форобийнинг “Фанлар таснифи ҳақидаги сўз”, Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб”, “Навобиг ул-калим” Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларида тиллар ва тилшуносликнинг ривожига оид ғоялар илгари сурилган. Хусусан, Форобий сўзни – тил ва фикр равонлигини таъминловчи муҳим омил деб ҳисоблаган. Дарҳақиқат, фикрнинг мантиқий изчиллигини таъминлашда сўзлардан ўринли фойдаланиш, гапнинг меъёрига амал қилиш ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади.

XVIII-XIX асрларда Ғарб мутафаккирларидан Ж.Ж.Руссонинг фикрича, “Даставвал образли тил яралган, кейин эса сўзларнинг ўз маъноси

<sup>1</sup>Аристотель. Категории (6-11 гл.). М., 2016.- С.80 // 04.07.2020 <http://lib.ru/POEEAST/ARISTOTEL/kategorii.txt>

пайдо бўлган”<sup>1</sup>. Бу эса тил жамият пайдо бўлишининг бош омили эканлигига ишорадир. В.Гумбольднинг “тил фикрни ташкил этувчи аъзодир; фикрлаш фақат тилга боғлиқ эмас, балки маълум даражада ҳар бир муайян тафаккур билан ҳам белгиланади; тиллар – бу халқларнинг ўзига хос тафаккурини ифодаловчи воситадир”<sup>2</sup>, – деган ғояси тафаккурнинг тил орқали ифодаланиш имкониятлари чексизлигини намоён этади. А.А.Потебня: “Тил – шахснинг фикрлаши учун муҳим воситалардан биридир, чунки тушунча фақат сўз билан шаклланади ва тушунчасиз ҳақиқий фикрлаш мумкин эмас”<sup>3</sup>, – деб таъкидласа, Фердинанд де Соссюр: “Тил тафаккурнинг ички шакли назариясига боғлиқдир”, – деб ҳисоблайди. Ҳар икки қарашдаги фикр ҳам тил ва тафаккурнинг ўзаро диалектик бирлигини ифодалайди. Г.Г.Гадамер “фан тили тушунчасини”<sup>4</sup> муомалага киритади ва бу билан омма тили, илмий тил ва расмий тилларни фарқлайди. XX асрнинг 20-30 йилларида улуғ маърифатпарвар Фитратнинг “Тилимиз” мақоласида “Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча”<sup>5</sup>, – деб савол қўяди ва ўзбек тилининг софлигини таъминлаш, Европа тиллари исканжасидан қутқариш заруриятини асослайди.

Ғарб тилшунос олимлари Б.Н.Шлайтер, У.Фиерман, Х.Шиффман, М.Диккенс, И.Балдауф монография ва мақолаларида Ўзбекистондаги тил сиёсати, ўзбек тилининг мустақиллик давридаги ривожланишини миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатлар контекстида ёритишади. Хусусан, Б.Н.Шлайтер ўз мақоласида Ўзбекистондаги тил сиёсати “нафақат давлат тили масаласига, шунингдек, лисоний вазиятга оид масала сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин”, – деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ўзбек тилида сўз яшаш жараёнида рус тили морфемаларининг қўлланилмаётганлиги унинг миллий мақомини сақлаш учун муҳим ҳисобланган. У.Фиерман тилнинг миллий тараққиётга бевосита таъсирини Ўзбекистон мисолида очиб берган<sup>6</sup>. Б.Н.Шлайтер, У.Фиерман ва Х.Шиффман<sup>7</sup> Ўрта Осиё тиллари ҳақида фикр юрита туриб, уларнинг келажаги истиқболсиз дея салбий фикр билдирганлар, Германиялик олима И.Балдауф<sup>8</sup> Афғонистонда жонли ўзбек тилининг ривожланиш тенденцияларини этнологик ва социолингвистик (ижтимоий лингвистик) йўналишда тадқиқ этган.

<sup>1</sup> Руссо Ж.Ж.Опыт о происхождении языков, а также о мелодии и музыкальном подражании. Глава III.//04.07.2020 gousseau.rhga.ru > upload > iblock >

<sup>2</sup> Гумбольдианство // 4.07.2020 <http://tapemark.narod.ru/les/123c.html>

<sup>3</sup> Потебня А.А. Мысль и язык. Из книги: Потебня А.А. Слово и миф. М., Издательство «Правда», 1989 , - С.38 //04.07.2020 <http://books.google.co.uz>

<sup>4</sup> Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. Язык и понимание М.: Искусство, 1991. –С.50// 07.07.2020. <http://filosof.historic.ru/books/item/f00/s00/z0000035/index.shtml>

<sup>5</sup> Фитрат А. Тилимиз. Иштирокиюн газетаси. 12.06.1919 й.// 05.07.2020 <http://e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/895-maqola.html>

<sup>6</sup> Fierman, William, 1991, Language Planning and National Development: The Uzbek Experience, Berlin /New York: Mouton de Gruyter & Co.

<sup>7</sup> Schiffman, Harold (ed.), 2012, Language Policy and Language Conflict in Afghanistan and its Neighbors: The Changing Politics of Language Choice, Leiden/Boston.Х.Шиффман “Тил сиёсати ва Афғонистонда тиллар конфликти: тил танлашнинг ўзгарувчан сиёсати” Бостон, 2012 йил.Б. 208-206

<sup>8</sup> Ингеборг Балдауф. Шимолий Афғонистон ўзбекларининг тили, жойлашуви ва ўхшашлиги//ҚарДУ хабарлари. 2015 й.1-сон .Б. 66-79

МДХ давлатларида, хусусан, П.В.Воронецкийнинг Россия Федерациясидаги бошқа миллат ва элатлар тилларининг конституциявий мақомига<sup>1</sup>, Г.В.Парамоновнинг шахснинг лисоний хулқ-атвор шакллари ижтимоий-маданий белгилаш омилларига, Е.Какояннинг тил коммуникацияси трансформацион жараёнларининг ижтимоий-фалсафий таҳлилига, Л.Н.Евсеевнинг тилнинг миллий идентликни шакллантиришдаги ролига бағишланган диссертациялари ҳимоя қилинган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат тилининг нуфузини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларини шартли равишда туркумлаштириш мумкин: *Биринчи туркум тадқиқотларида* М.Миртожиев<sup>2</sup>, Н.Махмудов<sup>3</sup>, М.Ирискулов, Б.Тўйчибоев, Э.Худойбердиев, А.Нурмонов каби олимлар истиқлол даврида ўзбек тилининг “давлат тили” мақомига эришиши ва қўлланиш доирасининг кенгайишига оид илмий мулоҳазаларини илгари суришган. *Иккинчи туркум тадқиқотларида* Қ.Хоназаров<sup>4</sup>, С.Шермухамедов<sup>5</sup>, Б.Каримов<sup>6</sup>, К.Мираъзамов<sup>7</sup>, Ж.Туленов, Б.Сиддиқов, З.Ғофуров, А.Г.Абдунабиев каби файласуфлар тилнинг миллий ва миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини батафсил таҳлил қилишган.

Ж.Жабборов, Н.Нурматов, Ж.Мамашукуров<sup>8</sup>, Ф.Толипов, Г.Мансурова, Н.Юнусова, Г.Асатова, С.Чориев, Х.Махманова, З.Хаитов ўзбек тилининг миллий ўзликни англашдаги ўрни, миллатлараро барқарорликни таъминлаш омили, маънавий маданиятни такомиллаштиришдаги аҳамиятига оид илмий-тадқиқот ишларини ҳимоя қилишган.

Тил равнақига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг таҳлилига кўра, ўзбек тилининг давлат тили мақомидаги функционал тараққиёти, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги равнақи фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги аниқланди. Шу боис, диссертация ишида асосий эътибор ўзбек тилининг давлат тили мақомидаги равнақини фалсафий жиҳатдан таҳлил этишга қаратилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қарши давлат университетини

<sup>1</sup> Воронежский П.В. Конституционно-правовые проблемы статуса государственных языков республик в составе Российской Федерации. //20.09.2019 <https://www.dissercat.com/content/konstitutsionno-pravovye-problemy-statusa-gosudarstvennykh-yazykov-respublik-v-sostave-rossi>

<sup>2</sup> Миртожиев М., Махмудов Н. Тил ва маданият .- Т.: Ўзбекистон, 1992.- Б.110.

<sup>3</sup> Махмудов Н. Тил. Т.: Ёзувчи, 1998.- Б.24.

<sup>4</sup> Хоназаров Қ. Тил ва дил. Т.: Ўзбекистон 1991.- Б.68; Хоназаров Қ. Мустақиллик ва ёшларни байналминал руҳда тарбиялаш. Т.: Қатор тол-Камолот, 1998. 88-б.; Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т., 2001.-Б.44;

<sup>5</sup> Шермухамедов С. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. Т.: Маънавият, 1998.- Б.32.

<sup>6</sup> Каримов Б.Р. Миллат, инсон ва тил: тараққиёт муаммолари. - Қарши: «Насаф», 2003. – Б.131.

<sup>7</sup> Каримов Б., Мираъзамов К. Миллат равнақи ва тил муаммолари. Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1993.-Б.21

<sup>8</sup> Мамашукуров Ж.А. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари. Фал. фан. ном. илмий даража. олиш у-н дис. автореф. - Т., 1994.- Б.22;

2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури”нинг 2.1 бандига асосан “Таълим ва илмий жараёнларни бирлигини таъминлаш”га йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилининг “давлат тили” мақомида функционал ривожланишининг ижтимоий-фалсафий аспектларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“давлат тили” ва “тилнинг функциялари” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини, тузилишини янгича ёндашув асосида аниқлаш ва унинг миллий ўзликни англашнинг ривожланиши билан боғлиқлигини кўрсатиш;

ўзбек тилининг давлат тили сифатида амалдаги ижтимоий функцияларининг ўсиши ва бойиши - миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ортишига таъсир қилишини асослаш;

Ўзбекистондаги ўзбек тили ёзувининг лотин алифбосига ўтказилишининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий аҳамиятини ва соҳадаги муаммоларни танқидий таҳлил этиш;

ўзбек тилининг илмий билиш, экспрессив, аксиологик ва праксиологик функцияларининг юксалганини далиллаш;

глобаллашув жараёнида ўзбек тилининг глоттометрияси - ижтимоий аҳамиятлилик даражасини аниқлаш, уни янада ошириш бўйича амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек тили ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбек тилининг “давлат тили” мақомидаги фаолиятини ижтимоий-фалсафий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик ва мантиқийлик, таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, мавҳумликдан конкретликка юксалиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахс маънавий қиёфасида тилнинг ҳамда давлат тили мақомида шахс, жамият миллий идентлигини шаклланишида ўзбек тилининг эстетик, таълим, илмий, ахборот узатиш сингари ижтимоий вазифаларининг таъсири мантиқий исботланган;

ўзбек тилига “давлат тили” мақоми берилиши ва лотин алифбосига ўтказилишининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий аҳамияти давр характери асосида эпистемологик жиҳатдан далилланган;

ўзбек тилининг экспрессив функцияси (инсоннинг маълум бир ҳодисага ҳис-туйғулари орқали муносабати)нинг шахс миллий ва бадиий тафаккури ривожига таъсири фалсафанинг атрибутив категориялари воситасида аниқланган;

глобаллашув жараёнида ўзбек тилининг ижтимоий аҳамиятлилик (глоттометрияси) даражасини ошириш, уни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришнинг тизимлилик, изчиллик, узлуксизлик сингари мезонлари БМТ ва ЮНЕСКО ҳужжатлари контекстида асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тилнинг мақоми ва функционал ривожланиши миллий ўзликни англаш даражасига, уни миллат ўз келажаги, тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бири, бебаҳо миллий қадриятдек ҳис қилишига боғлиқ экани илмий далилланган;

тилнинг луғавий, услубий, функционал ривожланиши, софлигининг сақланиши, такомиллашуви, аввало, миллатнинг маданий савиясига, ғурурига, уни муқаддас қадрият деб қабул қилишига, янгилашиш ва ижтимоий тараққиётга интилишига боғлиқлигининг амалий асослари ишлаб чиқилган;

таълим ва тил сиёсатига ҳамда жамиятда қарор топган ижтимоий муҳитга, толерантликка, миллатлараро, маданиятлараро тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка боғлиқлиги, шунингдек, жаҳон илм-фани, адабиёти ва санъатининг, турли мазмундаги бошқа ахборотнинг давлат тилида тарқатиш амалиётига (жумладан, интернет орқали) боғлиқлиги аниқланган;

ўзбек тилининг глоттометрияси (ижтимоий аҳамиятлилик даражаси)ни ўрганиш жараёнида мазкур кўрсаткичларни оширишнинг методологик, технологик, функционал ва прогностик жиҳатлари қайд этилган ва уларга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари, ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган рисоласи, илмий мақолалари, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот юзасидан берилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижалари ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда кечаётган лисоний, маданий жараёнларни, бу борадаги давлат сиёсатини, ютуқлар ва камчиликларни илмий-назарий жиҳатдан теранроқ англашга ёрдам беради, яна нималар қилиш лозимлигига эътибор қаратади, шунингдек, соҳага оид олиб борилаётган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертацияда илгари сурилган ғоялар, келтирилган маълумотлар, хулосалар ва амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгашининг тарғибот-ташвиқот ишлари фаолиятида, “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик” каби фанлардан маъруза ва семинар машғулотида ва соҳага оид муассасалар учун ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлат тили мақоми ҳамда ўзбек тили функционал ривожланишининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилиш натижалари асосида:

шахс маънавий қиёфасига тилнинг, хусусан, ўзбек тилининг давлат тили мақомида шахс, жамиятнинг миллий идентлигини шаклланишидаги таъсирга доир таклиф ва тавсияларидан 2007-2011 йилларда бажарилган

“Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги ОТ-Ф8-002 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси ижросида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 89-03-2812-сон маълумотномаси). Бу эса мазкур фундаментал тадқиқот лойиҳасига манба сифатида хизмат қилган;

Ўзбек тилига “давлат тили” мақоми берилиши ва лотин алифбосига ўтказилишининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий аҳамияти давр характери асосида эпистемологик жиҳатдан аниқлаштирилганлигига оид илмий-амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор дастурининг V боб ижроси “Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари”ни ишлаб чиқиш ва 2019 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор дастурининг III боб, 39 банд “Ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар барча таълим муассасалари, жумладан, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда давлат тилига ҳурмат, миллий маънавий мерос ва қадриятларга қизиқишни рағбатлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, маънавий-маърифий тадбирлар дастурлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2020 йил 11 августдаги 02/01-678-сон маълумотномаси). Натижада фуқароларнинг тилга бўлган эътиборини, ҳурматини оширишга, давлатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга нисбатан дунёқарашини ривожлантиришга ва интеллектуал салоҳиятини янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий профилактика ишлари натижадорлигига хизмат қилган;

Ўзбек тилининг экспрессив функциясининг шахс миллий ва бадиий тафаккури ривожига таъсирини аниқлашга оид таклиф ва тавсияларидан 2007-2011 йилларда бажарилган “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги ОТ-Ф8-002 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси ижросида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 89-03-2812-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, илмий ишдаги назарий хулосалар лойиҳа ижроси учун манба вазифасини ўтаган.

муस्ताқил Ўзбекистонда иккитиллилик (биллингвизм) масалалари ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилининг ижтимоий аҳамиятлилик (глоттометрияси) - даражасини оширишга, уни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришга оид назарий хулосалари ва тавсияларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг ўттиз йиллигига бағишланган ва 2019 йил 13 октябрда эфирга узатилган “Олтин воҳа” ҳамда 16 октябрда “Тил – миллат кўзгуси” маънавий-маърифий телекўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 28 октябрдаги 12-15/1197-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек тилининг ижтимоий

вазифалари, глобаллашув жараёнида ўзбек тилини ривожлантириш масалалари ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка етказилган ва бунга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шундан 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола (6 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги таракқиётини ўрганишнинг ижтимоий-фалсафий зарурати”** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётларда “давлат тили” ва “тилнинг функцияси” тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил қилинган ва “давлат тили” ибораси дунё мамлакатларида кам ишлатилиши қайд этилган. Кўпгина давлатларда “давлат тили” тушунчаси ўрнида “расмий тил” ибораси ишлатилади. Лекин давлат тили мақоми “расмий тил” иборасидан юқорироқ мавқега эга. ЮНЕСКО экспертларининг таърифича, давлат тили маълум давлатнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий доирасида интеграцион функцияни бажарувчи ва шу давлатнинг рамзий белгиси ҳисобланувчи тилдир. Чунончи, Швеция, Норвегия, Англия, Канада, Япония, Хитой, АҚШ каби кўпчилик мамлакатларда ҳеч қайси тил “давлат тили” деб эълон қилинмаган. Лекин азалдан бу мамлакатлар аҳолисининг кўпчилигини “расмий тил”да сўзлашган давлат фуқаролари ташкил этади. Барча таърифлар умумлаштирилган ҳолда, “Давлат тили – бу муайян бир давлат миқёсида амал қиладиган, унинг ички ва ташқи фаолиятидаги расмий тилдир” деб хулоса чиқарилган. Таҳлиллар асосида тилга давлат мақомининг берилиши расмий сиёсий мазмун касб этиши ва ҳозирча жаҳонда бу борада қатъий қоида ишлаб чиқилмаганлиги таъкидланади.

Бобда «1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуни халқимиз миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, маданий

мероснинг тикланиши ва жамиятнинг маънавий янгилинишида муҳим роль ўйнагани<sup>1</sup>, эътироф этилган. Қонунни қабул қилиш ва устида ишлаш жараёни нихоятда мураккаб кечганлиги ва қонун моддаларини тайёрлашда тил борасида ижтимоий адолат ва толерантлик тамойилларига қатъий риоя қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги алоҳида таъкидланган. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг тиллари ривожланиши учун ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳам яратиш инobatга олинган. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланиши ва янада такомиллашуви унинг лотин алифбосига асосланган ёзувга ўтиши билан янада мустақамланди. Лотин ёзувига ўтиш халқаро майдонга ва жаҳон бозорига чиқиш самарали фаолият олиб боришнинг муҳим қадамларидан биридир.

Мазкур бобда мустақилликдан кейин ўзбек тилининг билиш жараёнида қўлланишининг кенгайганлиги, қадрият сифатида баҳоланиши ва амалий аҳамияти, ижтимоий масъуллиги, вазифаларининг янги сифат касб этганлиги ҳақида фикрлар билдирилади. Хусусан, собиқ Иттифоқ даврида аҳолининг аксарият қисми, айниқса, олис қишлоқлардан чиққан кўплаб истеъдодли ёшлар олий ўқув юртларида мутахассисликни эгаллашда, кейинчалик илм-фанда ва амалий фаолиятларида ўз салоҳиятларини тўла юзага чиқаришда рус тилини яхши билмаслик тўсиғига дуч келарди. Бу ҳолат нафақат гносеологик ва амалий праксиологик, балки улкан сиёсий ва аксиологик масала ҳам эди. Ўзбек тили халқнинг замонавий илмий-техникавий ва касбий юксалишини таъминлай олишга қодирми? Сиёсий мустақиллик, лисоний ва илмий-технологик мустақиллик билан мустақамланадими? Албатта, ҳеч бир халқ ва тил, ҳеч бир миллий иқтисодиёт, илм-фан ва маданият маҳдудликда яшай олмайди. Унинг бошқа халқлар билан мулоқоти, алоқалари қанча ранг-баранг ва интенсив бўлса, тараққиёт суръатлари шунча юқори бўлади. Аммо алоқалар, алмашув икки томонлама ва қиймат жиҳатидан нисбатан тенгроқ бўлиши керак. Бунинг учун халқларининг умумий маданий савияси ўртасида фарқ жуда катта бўлмаслиги керак. Умумий маданий савия эса тафаккурга, уни юзага чиқарувчи тилнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тўғри, она тилида оламни билиш, илм-фанни, турли ахборотларни тушуниш осонроқ, аммо, иккинчи томондан, у қайси даражада луғавий, терминологик, услубий ва функционал жиҳатдан барча гносеологик эҳтиёжларни қондира олади? Ушбу муносабат билан ўзбек тилида олий таълимнинг, илмий-тадқиқотларнинг янги йўналишлари йўлга қўйилгани, бу борадаги ижтимоий тенденциялар тадқиқ этилган.

Масалага аксиологик ёндашув бир неча йўналишларда ёритилган: биринчидан, ўзбек халқининг ўз тилига муносабати қандай; иккинчидан, мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўзбек тилига бўлган муносабати қандай; учинчидан, ўзбек тилида яратилган миллий,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т.: «Шарқ», 2000. – Б. 472.

умуминсоний мерос ва замонавий кадриятлар салмоғи қайси даражада замон талабларига жавоб бера оладиган билимли, маданиятли, юксак малакали шахс бўлиб етишиш имконини беради? Ўзбек тилини замон талабларига мос ривожлантириш учун халқимизнинг иродаси ва миллий идентлиги, юртимизда яшовчи бошқа этносларнинг ўзбеклар билан консолидацияси мустақамлиги етарлича бўлиши зарур. Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизнинг иродаси ва миллий ўзлигини англаши, умуммиллий жипслиги ўзбек тилини ривожлантириш учун етарли эканини кўрсатди. Шу боис, ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбия, маданий-маиший ҳаётда, илмий-тадқиқотда, оммавий ахборот воситаларида функционал қўлланиши тез кенгайди. Бу, ўз навбатида, унинг сўз бойлиги, айниқса, атамалари янгиланишига ва янгидан ясалишига ҳамда янги услубий ва ифодавий сўз бирикмалари, жумлалари, ҳатто баъзи ҳолларда янгича сўз тартиблари пайдо бўлишига олиб келади. Хуллас, тилнинг янги функционал вазифалари пайдо бўлиши, илгари мавжуд функцияларининг эса янада чуқурлашуви ва кенгайиши унинг баён услубига, лексик ва синтактик тузилмасига нисбатан талабни кучайтиради.

**“Ўзбек тили ижтимоий вазифаларининг янги сифат босқичига кўтарилиши”** деб номланган иккинчи бобда мустақилликкача бўлган даврда ўзбек тилининг таълим функцияси чегараланганлиги ва унинг сабаблари таҳлил этилган. Мустақиллик йиллари ўзбек тилининг таълим функцияси кенгайгани, янги сифат касб этгани атрофлигича ёритилган. Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиши, таълим соҳасидаги ислохотлар, касб-ҳунар таълими ва олий таълим барча йўналишларида ўзбек тилида ўқитиш йўлга қўйилгани, таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида (ФА ва маҳкамавий ИТИ) ислохотлар давом этаётгани кўрсатилган. Соҳаларда ўзбек тилининг билиш ва ахборот функциялари ривожланишига таъсир кўрсатгани далилланган.

Бобда ўзбек тилининг информацион (ахборот) функциясини ёритиш мақсадида мавжуд илмий адабиётларда ахборот тушунчасининг таърифлари таҳлил қилинади. Ахборот олиш, алмашиш тил орқали амалга оширилади. У тилнинг гносеологик, аксиологик ва праксиологик функциялари билан биргаликда намоён бўлади. Ўзбекистонда ахборот бозорини ривожлантириш бўйича ОАВларининг эркин ва демократик фаолиятига оид 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ахборот соҳасини юксалтириш билан биргаликда ўзбек тилининг информацион функцияси ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишини ўрганишда илмий билиш функцияси таҳлил этилади. Фан тилининг бош вазифаси илмий ахборотни белгилар системасида аск эттириш, илмий ахборот мазмунини қабул қилувчига аниқ етказиб бериш эканлиги қайд этилади. Энг аввало, ўзбек тилининг илм-фан соҳасидаги конкрет функциялари қуйидагиларда намоён бўлиши таъкидланган: *биринчидан*, маълум бир фан доирасидаги вазифасида ( идрок этиш, фикрлаш, шу соҳа доирасида фикр алмашиш, янгиликлар яратиш, тадқиқотлар ўтказиш ва ҳ.к);

*иккинчидан*, терминологияда, яъни илм-фан соҳасига оид тушунча, атамалар, терминлар, сўз бирикмаларнинг шаклланишида; *учинчидан*, илмий тадқиқотларнинг оғзаки ва ёзма баён этиш усулида – тил илмий услубининг шаклланишида.

Илм-фан тараққиётининг муҳим мезони ҳисобланган фанметрия (наукометрия) ёрдамида ўзбек тили илмий билиш функцияси ўрни аниқланган. Илм-фаннинг тараққиёт мезонлари тил тараққиётининг ҳам мезонлари ҳисобланади. Фанметриянинг тилга алоқадор томонлари нимада кўринади? Масалан, фанметриянинг статистик услуб ёрдамида маълум бир тилда илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимлар сони, ўша тилда чоп этилаётган илмий нашрлар, мақолалар ҳамда кутубхона ва ахборот-ресурс марказларидаги адабиётларга бўлган буюртмалар сони ва ҳ.к. аниқланади. Публикацияларни ҳисоблаш услуби йил давомида маълум бир тилда ҳар бир илмий муассаса ходими, олимлар нечта илмий мақолалар, монография ва ҳ.к. чоп эттиргани аниқланади. Цитата-индекс услубидан эса илмий-тадқиқотда, мақолалар, монографияларда қўлланилган иқтибослар сонини ҳисоблашда фойдаланилади. Цитата-индекс услубидан илм-фаннинг ҳамда олимнинг маълум бир тилда яратган илмий нашрининг параметрини аниқлаш учун фойдаланилади.

Мустақиллик даврида ўзбек фани ривожидунёда қандай ўринда туришини аниқлаш мақсадида интернет материалларига эътибор қаратдик. Масалан, Ўзбекистон 2016 йилда Web of Science Core Collection<sup>1</sup> илмий маълумотлар базасига аъзо бўлди ва Испаниянинг Гранада университети тадқиқотлар гуруҳи аналитик таҳлили натижаларига кўра, жаҳон илм-фан ривожидан ўзбек илм-фани SCImago мамлакатлари рейтингда 94<sup>2</sup> ўринни эгаллади.

Ушбу бобда давлат тили мақоми берилгандан кейин ўзбек тилининг адабиёт, санъат соҳаларида функцияси таҳлил этилади. Тилнинг у ёки бу вазифаси бошқаларидан тамомила мустақил ҳолда намоён бўлмайди. Коммуникатив (мулоқот) функция тилнинг функциялари орасида бирламчисидир. Албатта, ҳар қандай бадиий асарда тилнинг коммуникатив функцияси ҳам воқелашади, аммо у эстетик функция билан муштаракликда воқелашади. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда бу ҳолатга алоҳида урғу берилади: “Бадиий матн ҳар қандай нобадиий матндан фарқли ўларок, алоҳида функцияни – коммуникатив функция билан мураккаб ўзаро алоқадорликда намоён бўлувчи ва матннинг ўзига хос қурилишида ҳал қилувчи омил ҳисобланувчи эстетик функцияни бажаради”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Касьянов П. Отчёт по показателям публикационной активности Состояние и тенденции в науке Республики Узбекистан на основании данных базы Web of Science Core Collection. //20.09.2019 <http://uzscience.uz/docs/news/Web%20of%20science/report-2017.pdf>

<sup>2</sup> SCImago: Вклад стран Центральной Азии в мировую науку составляет менее одного процента . //20.07.2020/<https://www.fergananews.com/news/26675/> <https://www.fergananews.com/news/29343>

<sup>3</sup> Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. М.:Русский язык, 1989.- С.5.

Мустақилликкача бўлган давр санъатнинг, хусусан театр, кино, муסיқа ва рассомчиликка оид илмий адабиётларнинг, илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили орқали соҳаларда олиб борилган сиёсатда уч ҳолат кузатилади: *биринчидан*, санъат коммунистик партиянинг сиёсий иродасини ифодалаш воситага айлантирилган эди. Миллий санъат анъаналарига паст назарда қараш ва санъатда коммунистик ғоявийликни устун қўйиш қарор топган; *иккинчидан*, руслаштириш сиёсати ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби санъатга ҳам кириб келди. Шўро мафкурасининг асосий мақсади – санъатда ўзаро таъсир ва ўзаро яқинлашув орқали миллийликни заифлаштиришга ҳаракат бўлди; *учинчидан*, Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, собиқ Иттифок таркибидаги бошқа республикалардаги сингари, социалистик реализм негизда ривожланди. Унда миллийлик ва инсонпарварлик бошқа мафкуралашган тушунчалар, хусусан, коммунистик мафкуранинг байналмилаллик, синфийлик, атеистик ғоялари билан йўғрилган ҳолда акс эттирилди. Ўзбек санъатини миллийликдан йироқлаштиришга, коммунистик партия мафкураси тарғиботчисига айлантиришга ҳаракат қилинди. Мустақиллик даврига келиб санъатнинг миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онгига сингдиришда аҳамияти ошди. Ўзбек адабиёти ва санъатида бадиий усул ва услублар хилма-хиллиги қарор топди. Жумладан, модернизм оқими санъатимиз ва адабиётимизда алоҳида йўналиш сифатида мустақиллик йиллари шаклланди. Булар ўзбек тилининг бадиий-экспрессив функцияси ривожланишига қўшимча замин яратди. Ушбу муносабат билан ижобий жиҳатлар қаторида айрим камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилади. Хуллас, санъат соҳаларининг тараққиёти ўзбек тилининг ривожига таъсир этмоқда. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда ҳар бир инсоннинг санъатга оид билимга эга бўлиши шахснинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам зарур.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Глобаллашув шароитида ўзбек тили ҳамда миллий маданиятнинг ривожланиш муаммолари”** ўрганилган. Мазкур бобда ХХІ асрда глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнида турли алоқаларнинг интенсиф ривожланиши сабабли, жонли тиллар сони қисқараётганлиги, БМТ томонидан ушбу муаммонинг олдини олиш мақсадида глобал даражада уринишлар олиб борилаётгани қайд этилди ҳамда ўзбек тилини глобаллашув шароитида ижтимоий аҳамиятлик даражасини ошириш бўйича мулоҳазалар билдирилди.

БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 1996-2000 йилларда “Дунёда йўқолиш хавфида турган тиллар Атласи” яратилди. Бугунги кунда Европада 50 та, Сибирда 40 та тил ҳамда энг хавфли ҳолатда турган Америка ва Австралия қитъаларида 1000 га яқин, Африка қитъасида 1500 та тилларидан 600 таси йўқолиш арафасида, 250 таси ўлик тиллар сирасига кирганлиги маълум бўлди. Тилларнинг йўқолиши сабаблари:

–Тилларда сўзлашувчилар сони ер шари аҳолисига нисбатан мутаносиб тақсимланмаган, 99% аҳоли 80 та тилда мулоқот қилади, 3,5 мингдан ортиқ тиллар 0,2 % аҳолига тўғри келади.

–Яшаш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит ёмонлиги ёки турли низолар ва урушлар туфайли содир бўлаётган миграция ва жаҳон тараққиётининг етакчи тенденцияси – глобализация жараёни.

Мазкур сабабларнинг аксарияти объектив характерга эга, уларни тўхтатиб, тақиқлаб, бекор қилиб бўлмайди. Муайян тилда сўзлашувчилар сонини сунъий равишда кўпайтириш имконсиз. Фақат минтақавий можаролар ва урушларнинг олдини олиш, қолоқ халқларга иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиш мумкин, холос. Шу сабабдан БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан камсонли халқларнинг тиллари ва маданиятларини сақлаб қолишга қаратилган турли ҳужжатлар ва амалий чоралар қабул қилинмоқда. Ҳужжатларнинг аксарияти тилдан индивидуал фойдаланиш ҳуқуқига тааллуқли; жамоалар ва бутун халқларнинг она тилларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг халқаро меъёрлари ва стандартлари ишлаб чиқилмаган.

